



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 12 август, № 163 (9058)

Сешанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

ТАДБИРКОРЛАР ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид тақдимот билан танишди.

Тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизда стратегик вазифага айланган. Иқтисодиёт рақобатли ва турмуш фаровонлигида бу соҳанинг ўрни жуда катта. Шу боис бизнес юритиш қоидалари соддалаштирилиб, қулайликлар ошириб берилмоқда. Рақамли технологиялар омаллашгаётгани бунда қўл келаётди.

Буни давом эттирган ҳолда, шаффоф тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, нақдсиз тўловлар учун қулайликларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Унга қўра, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йил 31 декабрга қадар махсус ҳуқуқий режим

жорий этилади. Уларни давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб ҳисоботни топширишгача бўлган барча асосий хизматларни бирлаштирувчи интеграциялашган рақамли платформалар яратилади. Жумладан, фаолиятни расмийлаштириш, банк ҳисоб-варақлари очиш ва бошқариш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш, ҳисоб-китоблар қилиш ва фискал чекларни шакллантириш ушбу рақамли платформалар орқали юритилади.

Бу тизимда электрон ҳамён очилиши тадбиркорларга даромадларини қабул қилиш, ходимлар, контрагентлар ва ташиқлотлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш имкониятини беради. Элек-

трон ҳамёнга эга бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун банк ҳисоб-варақларини очиш ихтиёрий бўлади.

2025 йил 1 ноябрдан бошлаб, бу жараёнларда QR-код ва "tar to pay" технологиясидан фойдаланилади. Ҳужжатларни масофавий биометрия ва "SMS хабарнома" орқали электрон калитсиз имзолаш мумкин бўлади. Бу маълумотлар қоғоз нусхадаги ҳужжатлар билан тенглаштирилади. "Қуниқ тўлов" тартиби тажриба тариқасида жорий этилиб, ходимларга тўловларини электрон ҳамён орқали тўлаш имконияти яратилади.

2026 йил 1 январдан бошлаб йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган яқка тартибдаги тад-

биркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинган солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорда белгиланади.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларда электрон тўловларни қабул қилувчи махсус QR-код мавжуд бўлиши чакана савдо қоидаларининг мажбурий талаби этиб белгиланади. Рақамли платформадаги пул айланмаси тўғрисидаги маълумот кредит ажратишда инобатга олинади.

Президентимиз бу тақлифларни маъқуллаб, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларни тўғрисидаги қарорни имзолади.

«ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»ГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев «яширин иқтисодиёт»га қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Илгари бизнесга юқори маъмурий босим ва аралашув бўлгани сабабли кўпчилик ошқора ишлашдан хавфсизлар эди. Сўнгги йилларда солиқ юкини камайтириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтириб, 100 дан ортиқ турдаги лицензия ва рухсатнома бекор қилинди.

Натижада, кузатилаётган иқтисодиёт улуши 2019 йилдаги 45 — 50 фоиздан ҳозирда 35 фоизга тушди. Лекин ҳали буни янада камайтириш зарур.

Тақдимотда бу борадаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Мутасаддилар «яширин иқтисодиёт»га сабаб бўлаётган омиллар ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича ахборот берди.

Бунда энг самарали йўл илгор технологиялар асосида янгича ёндашувларни жорий қилиш экани таъкидланди. Масалан, Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тўлиқ автоматлашган тўловга ўтказилгани йўловчилар сони аслида 30 фоизга кўп эканини кўрсатди. Ёки рақамлаштирилган дехқон ва буюм бозорларида тушум 2-3 карра ошаётди.

Шундай тизимни қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо ва хизматлар каби «яширин иқтисодиёт» улуши юқори бўлган соҳаларда ҳам жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Лицензия ва рухсатнома бериш жараёнлари ҳамда мuddатларини қайта кўриб чиқиш, инсон омилини кескин қисқартириш ва барча қадамлар-

ни тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилди. Тадбиркорлар кўп дуч келадиган солиқ, банк, боғжона, коммунал, сertiфикатлаш каби соҳаларда коррупцияга йўл очётган омилларга чек қўйиш зарурлиги айтилди.

Электрон тўловлар ривожлангани аҳолига кенг қўлайлик яратмоқда. Бу «яширин иқтисодиёт»ни қисқартиришда ҳам маъқул воситадир. Бунинг учун нақдсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантириш, тўлов тизими операторларини қўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари фақат назоратни кучайтириш билан «яширин иқтисодиёт»ни жиловлаб бўлмастлигини, аҳоли ва тадбиркорларнинг солиқ маданиятини ошириб, тўғри ишлаганларни рағбатлантириш

йўлидан бориш кераклигини таъкидлади.

Ҳар бир соҳа бўйича алоҳида ёндашиш, тадбиркорларга очиқ ва қонуний ишлашни манфаатли қилиш вазифаси қўйилди. Шундан келиб чиқиб солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, бизнесга қўшимча англиклар бериш, меҳнат муносабатларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Ўз навбатида, солиқ маданияти бутун жамият ишига айланиши зарур. Халқимиз ҳаммиса қадрлаган ҳалоллик фазилати пировард натижада барча соҳада файзу барақа ва фаровонлик олиб келади. Бу гоёлари аҳоли орасида тарғиб қилиб, кенг қарор топтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ў.А.

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИНИНГ СИЁСАТИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА



Юрган — дарё дейишади. Дарёлар оқиб-оқиб, ўз йўлида учраган воҳою водийларга обихаёт бахш этади, қўлларни чаманзорларга айлантиради, боғу хиёбонларни яшилликка буркайди. Йўл юрган, доим ҳаракатда, изланишда, интилишда бўлган инсон ҳам худди дарёлар каби бошқаларга эзгулик улашади, бунёд этади, яратади, яшнатади.

Мақсади сари интилган кишига "Йўлинг равон бўлсин!" дея тилак билдирилиши ҳам бежиз эмас. Инсон қай манзил томон ҳаракат қилмасин, йўлнинг созлиги машаққатларни камайтиради, йўловчига қувват, руҳига куч, истакларига шижоат беради.

Демак, инсон организмни қон томирлари озуқа моддалари билан таъминлагани каби йўллар жамиятда маданий алоқалар, қадриятлар, махсулотлар, нарсасиз-буюмлар, товарлар, ахборот алмашинувида, умуман, тараққиётда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Йўллар қадим замонлардан бери тамаддунлар шаклланишида, халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар мустаҳкамланишида ҳал қилувчи ролни ўйнаб келгани шундан. Улар нафақат юкларни ташишга, балки билимлар, технологиялар ва маданий бойликларни алмашишга ҳам хизмат қилган.

■ Нигоҳ

Бош позицияларга қайтиш

Ўзбекистоннинг тарихий миссияси ҳаммиса алоҳида бўлган. Эрамиздан аввалги III-II мингйилликлардаёқ бугунги Ўзбекистон худуди илк трансконтинентал йўл — Буюк Ҳинд йўлининг марказида жойлашган. Бу йўл Ҳинд водийсини Марказий Осиё — Бақтрия ва Хоразм билан боғлаган, сўнг Кавказорти ва Қора денгиздан ўтиб, халқор савдонинг кенг тармоғига уланган.

Кейинчалик, антик ва ўрта асрлар даврида Ўзбекистоннинг марказдаги жойлашуви ўзининг афзаллигини яна бир бор намоён қилган — бу сафар Шарқ ва Фарбнинг йирик тамаддунларини бир-бирига боғлаган Буюк Ипак йўли доирасида. Унинг асосий йўналишларидан бири илм-фан ва савдо тараққиётининг рамзига айланган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари орқали ўтган. Айнан шу ерда тамаддунлар алмашинуви юз берган, илм-фан, хунармандчилик ривожланган, маданият гуллаб-яшнаган.



Илҳом Туах ИЛЛИАС:

ЎЗБЕКИСТОН — КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА ДАВЛАТ

Шу йил 4-5 февраль кунлари Ўзбекистон Президентининг Малайзияга расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги Стратегик шериклик йўлида ҳамкорликни чўқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Давлатимиз раҳбарининг Малайзия Бош вазирини Анвар Иброҳим билан ўтказган музоқаралари чоғида томонлар нефть-кимё ва кимё саноати, электроника, қишлоқ хўжалиги, "яшил" энергия ва зиёрат туризми каби устувор йўналишларда шерикликни янада ривожлантиришга келишиб олдилар. Белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун махсус "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган бўлди.

■ Дипломат минбари

Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Илҳом Туах ИЛЛИАС "Халқ сўзи" газетасига икки мамлакат муносабатларининг бугуни

ва истиқболлари, Куала-Лумпурда эришилган аҳд-номаларининг ижроси ҳақидаги мулоҳазаларини тақдим этди. — Мен "Халқ сўзи" газетаси берган минбардан фойдаланиб яқинлашиб келаётган Мустиқликни қўни муносабати билан Ўзбекистон халқига, мухтарам Президент Шавкат Мирзиёевга ва мамлакат ҳукуматига самимий тилақларимни йўлламоқчиман.



12 август — Халқор ёшлар куни

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Ҳар йили 12 август санаси дунё бўйлаб Халқор ёшлар куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу байрам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёшлар масалаларига эътиборни жалб қилиш ҳаракатлари доирасида пайдо бўлди ва тузилма Бош Ассамблеясининг 1999 йил декабрдаги резолюцияси билан белгиланган.



Мазкур санада навқирон авлоднинг глобал масалаларни ҳал қилишдаги роли, ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги аҳамиятига яна бир бор ургу қаратиб келинмоқда. Шунингдек, уларнинг ютуқлари, ҳуқуқлари эътироф этилади, мавжуд муаммоларига ечим изланади. Бу кун ҳаётон ҳамжамияти эътиборини жамият тараққиётда ёшларнинг ўрни муҳимлигига қаратиш учун платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам мазкур санага алоҳида эътибор қаратилади. Зотан, ёшларни ҳар томонлама етуқ, билимли, салоҳиятли шахс, қомил инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилган. Президентимизнинг тақрор ва тақрор "Ёшлар — халқимизнинг, Ватанимизнинг олтин фонди", дея таъкидлаши шундан.

Фахр билан айтиш керакики, бугун ёшларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, имконият ва манфаатларини ҳимоя қилишда ташкилий-ҳуқуқий асослар тобора такомил-



лаштирилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда юртимизда йигит-қизларнинг муаммолари изчил ҳал қилиниб, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, замон андозаларига мос таълим олиши, эмин-эркин яшashi, мазмунли ҳордиқ қириши учун барча шарт-шароит яратилаётгани шу вақтга қадар мисли кўрилмаган тарихий қадамлардир.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган "Энг гуллаган ёшлик чоғимда..." саҳифасида ҳам айнан ёшликнинг бекиёс куч-қудрати, унутилмас хотиралари, ҳаяжону меҳр-муҳаббатга бой лаҳзалари ҳамда юртимизда навқирон авлод вақилларига яратилаётган имкониятлар борасида сўз боради.

6-саҳифага қаранг.

Хусан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Йиғилиш

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИНИ САЙЛАШ МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

11 август куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисини сайлаш масаласи кўриб чиқилди. Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Холмўмин Ёдгоровни Судьялар олий кенгаши раиси лавозимига сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда ўтган беш йил давомида Судьялар олий кенгаши томонидан мамлакатимизда суд ҳокимиятининг нуфузи ва самарадорлигини кўтариш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, ушбу ислохотлар тизим фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга, одамларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Сенаторлар муҳокама этилган масала юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди.

«Халқ сўзи».

МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ЯРАТУВЧАН КУЧ

Халқор меҳнат ташкилоти маълумотларига қўра, жаҳонда иш билан банд бўлган 430 миллионга яқин ёшларнинг 50 миллиондан кўпроги кам иш ҳақи тўланадиган иш ўринларида банд. Ривожланган мамлакатларда олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги ўрни ва рақобатбардошлиги давлатнинг таълим сиёсатини белгиловчи энг муҳим ижтимоий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Унинг амал қилиши фақат битирувчиларни замонавий меҳнат бозори талабларига мутаносиб равишда тайёрлашга эмас, балки қандай мутахассислар кераклигини ҳам белгилаб беради.

Муносабат

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида олийгоҳлар битирув-

чиларини ишга жойлаштириш бўйича ўтказилган йиғилишда мазкур йўналишни тизимли ўрганишлар натижаси таҳлил қилинди.



ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИНИНГ СИЁСАТИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА

Тарих даврийлик билан ажралиб туради. Худди бир неча аср аввалдаги каби транспорт йўлақларининг аҳамияти яна ортиб бормоқда. Глобал геосийосий ўзгаришлар, логистика занжирларининг узилиши ва янги иқтисодий воқелиklar шариоитида айнан минтақалараро йўналишларда марказий ўринларни эгаллаб турувчи мамлакатлар кучли ўсиш учун ноёб имкониятларни қўлга киритмоқда. Ва аксинча, четда қолганларнинг тақдирини оғирлаштириб, тараққиёт эмас, таназзул сари юз тутмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг сиёсати — бу қатъийлик ва узоқни кўра билиш сиёсатидир. Мамлакатимиз Евроосийё транспорт тизимини лойиҳалаштиришда яна марказий ўринни эгаллаётган экан, бу Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилётган очликка асосланган сиёсат тўғрисида.

Шавкат Мирзиёев Президентликка сайланган илк кунлардан охиригача йўналишчилик, минтақавий интеграция, савдо-иқтисодий диверсификацияга қаратилган курсни илгари сурмоқда. Бу дипломатик ширларгина эмас, балки аниқ натижаларга олиб келувчи стратегиядир. Айнан шу стратегия тўғрисида мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғловчи занжир ҳалқасига айланган.

Ўзбекистон раҳбарининг яқинда Туркменистон мезбонлик қилган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясидаги иштироки бунга яққол мисолдир. Етакчилар, жумладан, БМТ Бош қотиби, Қозғоғистон, Тожикистон Президентлари, бошқа давлатлар ҳукумат раҳбарлари бир жойга тўпланган ушбу анжуманда Ўзбекистон раҳбари дастурий нутқ сўзлаб, асосий таҳдид ва муаммоларни бартафоз этиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз эслатганидек, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган давлатлар қатор объектив қийинчиликларга дуч келмоқда: юк ташуви бўйича тарифларнинг юқорилиги, транспорт йўлақлари ва инфратузилмасининг чекланганлиги, транзит мамлакатларнинг боғловчи сиёсатига қарамай. Ушбу омиллар тўғрисида тўғри иқтисодий йўқотишларга олиб келмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Марказий Осиё минтақаси транспорт харажатлари тўғрисида ҳар йили янги ички маҳсулотнинг 2 фоизгача бўлган қисмини йўқотмоқда. Логистика харажатлари товарлар қийматининг 60 фоизгача қисмини ташкил этади, бу эса жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан бир неча баробар юқори.

Президент сўзларига кўра, айнан шунинг учун ҳам янги ишончли транзит йўлақлари ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш Марказий Осиёда барқарор тараққиётнинг муҳим шартига айланмоқда.

Шу муносабат билан Шавкат Мирзиёев денгизга чиқиш имконияти бўлмаган давлатларнинг барқарор ривожланиши ва ушбу доллар муаммони ҳал қилиш учун урта принципал шартни бажариш лозимлигини айтиб ўтди. Булар — инфратузилмани модернизация қилиш, ўзаро боғлиқликни кучайтириш ва глобал тенг ҳуқуқлиқнинг асосий элементи бўлган ривожланиш ҳуқуқини таъминлашдир. Мамлакатимиз раҳбари таъкидладики: “Бугун бизни бирлаштирган кун тартиби фундаментал масала — адолат масаласига дахлдордир. Бу — денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шартносларда иштирок этиш имкониятини таъминлашдир”.

Шу билан бир қаторда кейинги йилларда Ўзбекистонда транспорт-логистика тармоғини модернизация қилиш бўйича кенг қамровли чоралар амалга оширилди. Иқтисодий ислохотлар, савдонинг эркинлашуви, инвестиция муҳитининг яхшиланishi ўз натижаларини бормоқда: рақобатбардорлик ўсаяпти, инновациялар жалб этиляпти, ҳамкорларнинг ишончи ортмоқда.

Минтақавий қўламадаги лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Президентимиз сўзларига кўра, бугун минтақада ягона транспорт-логистика макони шаклланимоқда. Марказий Осиёни сайёрамиз миқёсидаги транзит хабига айлантиришга қаратилган дастурлар амалга оширилмоқда.

Конференция тadbирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркменистоннинг “Ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” орденини топириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу муқофотни Ўзбекистон ва унинг қўл миллатли халқига алоҳида эътибор ва ҳурмат, Марказий Осиё минтақасида дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги умумий саясий-ҳаракатларимизнинг эътирофи сифатида қабул қиламан, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонда амалга оширилётган чора-тадбирлар, конференция давомида Президентимиз томонидан айтилган гоғлар эксперт доираларда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, Испаниянинг етакчи наشري “El Mundo Financiero” да мамлакатимизнинг

халқаро транспорт коммуникацияларини диверсификация қилиш бўйича саясий-ҳаракатларига бағишланган мақола чоп этилди. Унда таъкидланганича, Ўзбекистон специфик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган халқаро саясий-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда. Изчил амалга оширилётган барқарор транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, савдо йўналишларини диверсификация қилиш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар миллий тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш билан бевосита боғлиқ.

“Ўзбекистоннинг денгиздан йироқлиги эндиликда ҳеч қимни чўчитаётгани йўқ. Бугун бу Ўзбекистон учун халқаро устуворликлар-

“Янги Ўзбекистоннинг сиёсати — бу қатъийлик ва узоқни кўра билиш сиёсатидир. Мамлакатимиз Евроосийё транспорт тизимини лойиҳалаштиришда яна марказий ўринни эгаллаётган экан, бу Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилётган очликка асосланган сиёсат тўғрисида.”

ни белгилаш ва мамлакатни янги Евроосийё логистикасининг фаол қатнашчисига айлантирувчи омилдир”, деб қайд этилди айнан.

Юқори даражадаги анжуманда киритилган ташаббуслар нафақат Президентнинг стратегик тафаккурини кўрсатади, балки унинг адолатли дунёга интилишини, минтақа доирасида ва ундан ташқарида глобал тараққиётнинг янги, адолатли архитектурасини шакллантиришга бўлган астойдил интилишларини ҳам намоеён этади.

Буларнинг барчаси давлат миқёсида теран фикрлаш, келажакни кўриш ва шакллантира олиш қобилиятидан дарак беради. Ўзбекистон — нафақат минтақа марказидаги давлат, балки ташаббуслар, мулоқот, барқарорлик ва тараққиёт марказидир. Мамлакат ўта муҳим ва бир вақтда жуда маъсуляпти роль билан янги даврга кириб бормоқда.

Ўзбекистон мазкур халқаро саясий-ҳаракатларда фаол иштирок этиб, транспорт ва логистика инфратузилмасини янгиллаш, янги халқаро йўлақлар яратиш, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қатор ташаббусларни амалга оширмоқда. Трансафгон темир йўли, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси ва бошқа кўплаб йўналишлар орқали Ўзбекистон ўзининг стратегик аҳамиятини мустаҳкамламоқда ва глобал иқтисодиётга интеграциялашув сари дадил илгариламоқда, деб эътилган мақола якунида.

Лидерлик геосиёсати

Мамлакатимизнинг ортиб бораётган нуфузи, сўзсиз, унинг етакчиси — Президент Шавкат Мирзиёевнинг геосиёсат майдонида кучайиб бораётган таъсири билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон раҳбари минтақада ва унинг ташқарисида кенг миқёсда эътирофга сазовор бўлаётган янги ривожланиш моделининг мезмори сифатида донг таратмоқда. Президент таваллуди муносабати билан кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан йўлланган қутловлар бунинг яққол исботидир.

Ўз номаларида дунёнинг етакчи давлатлари, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш, унинг халқаро субъектчилигини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини оширишга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида таъкидлайди.

Бу каби юксак баҳо дипломатик иборат билангина чекланиб қолмайди. Ўзбекистон Президентининг сиёсати ва ташаббуслари мамлакат ичидagi вазиятга ижобий таъсир ўтказибгина қолмай, бутун Марказий Осиё минтақасида ишонч ва прагматизмга асосланган ҳамкорликнинг янги архитектурасини шакллантираётгани алоҳида ургуланади.

Мамлакатнинг ортиб бораётган обрўси оддий фуқарога нима беради? У ҳар бир инсонга аниқ-равшан, ўз ўлчами ва аҳамиятига эга манфаатлар олиб келади. Содда ва айнаи вақтда ҳаётини мисоллардан бири — фуқароларимиз учун халқаро мобилликнинг эркинлаштирилиши. Ташқи ишлар вазирлигининг сўнгги маълумотларига кўра, Ўзбекистон ўз фуқароларига эркин ҳаракатланишни таъминлаш борасида анча илгариллаб кетди: Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти соҳиблари визасиз 40 га яқин мамлакатларга боришлари мумкин, яна 42 мамлакат билан эса киришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинган.

Бир эса оладиган бўлса, 2016 йил ҳолатига 52 та мамлакатга соддалаштирилган тартиб асосида бориш мумкин эди. Ҳозирда эса ушбу рўйхат 82 та давлатга кенгайган. Шунда ҳам мазкур таваллуд шартли равишда амал қилинар эди: кириш-чиқишни қайд этувчи идора тамғасини урдирмасдан фақат собиқ иттифоқнинг 9 та республикасига боришга рухсат берилган эди, холос.

Бугун ҳолат тамомла бошқача. Охириги уч йилда қатор давлатлар, жумладан, Хитой, БАА, Умон ва Эрон билан визасиз тартиб жорий этилди. Фаҳмлаганингиздек, айнан шу мамлакатлар етакчилари билан Ўзбекистон Президенти учрашган ва илиқ муносабатлар ўрнатибгина қолмай, ўзаро ишонч натижасида соддалаштирилган тартибга келишиб олинган. Бундай ёндашув изчил давом эттирилишига шубҳа йўқ, зеро, Саудия Арабистони, Қатар, Вьетнам ва бошқа мамлакатлар ҳам виза талабларини юмшатишди. Яна ўнлаб давлатлар билан кириш шартларини эркинлаштириш юзасидан фаол музокаралар олиб борилаётган. Ташқи ишлар вазирлиги манбаларида айтилишича, мамлакат раҳбарининг топшириғига биноан ушбу йўналиш мазкур ма-

ишонч, балки стратегик барқарорликни юзага келтирадиган замонавий сиёсатининг мазмунини ташкил этади. Ўзбекистон жаҳондаги ўз макъени бандларга ширлар ҳисобига эмас, балки пухта ўйланган ва аниқ-тиниқ сиёсат эвазига мустаҳкамлаб бормоқда.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакат минтақада, халқаро муносабатларда ўз фуқаролари наздида ўзини қайтадан кашф этмоқда. Бу жараёнда етакчининг уфқ ортини илғашга қодир, мураккаб глобал вазиятга қарамай олға интилувчи сиёсий иродаси ўта муҳим роль ўйнайди.

Илҳомлантирувчи намуна

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари ва мамлакатнинг халқаро нуфузи ошиб бораётгани ҳақида гап кетганда, Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлар йўли самарадорлиги етакчи халқаро институтлар ва тахлил марказлари томонидан тобора кўпроқ эътироф этилаётганига кўз юмиб бўлмайди.

Улар орасида Халқаро валюта жамғармасининг яқиндаги ҳисоботини келтириш мумкин. Ҳужжатда қайд этилишича, 2016 йилдан бери Ўзбекистон иқтисодиётида янги ички маҳсулот йилга ўртача 5,7 фоиз кўрсаткичда барқарор ўсишни намоеён этмоқда. Айниқса, мамлакатда қашоқлик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизгача пасайгани эътиборга лойиқ. Бундай маълумотлар нафақат ижобий микроиқтисодий тенденцияларни, балки миллий иқтисодиётда ўз бераётган чуқур таркибий ўзгаришларни ҳам акс эттиради.

ХВЖ ҳисоботида “Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда сезиларли ютуқларга эришди”, деб таъкидланади. Жамғарма экспертлари савдони либераллаштириш, валюта алмашув курсини ислоҳ қилиш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни муваффақиятли жалб этишни ўсишининг асосий драйверлари сифатида алоҳида ажратиб кўрсатган. Шу билан бирга, жамғарма ислохотларни, айниқса, банк сектори ва корпоратив бошқарув соҳаларида давом эттиришни тавсия қилади. Бу эса янги Ўзбекистонда изчил илгари суриллаётган ташаббуслардан яна бири — мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришининг муҳим шартидир. Жорий ўзгаришлар суръати шу йўсунда давом эттирилиши, жамғарма прогнозига кўра, мамлакат яқин йилларда тахминан 6 фоиз даражасида ўсишни сақлаб қола олади.

Берилаётган бу баҳолар мамлакатда амалга оширилётган иқтисодий модель тобора очилки, самарадорлик ва модернизация тамойилларига таянаётганини англа-

“Ўзбекистон ҳам денгизга чиқиш имкониятига эга эмас, лекин бу географик чекловни халқаро инфратузилма йўлақларида иштирок этиш орқали мунтазам равишда тўлдириб келмоқда. Июль ойида Хонкендида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида Президент Шавкат Мирзиёев Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини яқинлаш муҳимлигини таъкидлади. Келгусида Трансафгон йўли билан боғланадиган ушбу магистраль улкан минтақани қамраб олувчи ва мамлакатнинг транзит салоҳиятини кучайтирувчи ягона транспорт маконини яратади.”

ларнинг барчаси давлатнинг мутлақо янги қиёфасини шакллантиради. Мамлакатнинг ўзида амалга оширилётган ислохотларни ҳам алоҳида эътироф этиш зарур: инвестициялар учун шариоитларни яхшилаш, коррупцияга қарши курашиш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш шулар жумласидан. Мазкур чоралар текстидан тортиб энергетикага бўлган етакчи тармоқларга сарможа жалб этишга имкониятлар эшигини очади.

Унинг сўзларига кўра, Тошкентнинг кўп векторли ташқи сиёсати барқарор ривожланиш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилиш имконини беради. Суверенитет ҳамда стратегик мустақилликни унутмаган ҳолда Ўзбекистон Хитой, Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Жанубий Корея, Япония ва Малайзия билан стратегик муносабатларни шакллантирмоқда.

Ҳаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, БМТ Ривожланиш дастури каби тузилмаларнинг ортиб бораётган эътибори Ўзбекистоннинг ислохотлар сиёсатида бўлган ишончдан далолат беради. Халқаро ҳамкорлар инфратузилма, рақамлаштириш, энергетика соҳаларига, давлат бошқарувини ислоҳ қилишга инвестициялар киритмоқда. Таълим соҳасига ҳам салмоқли сарможалар кириб келяпти. Ўзбекистонда нуфузли олий ўқув юрларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Эксперт мазкур жараёнларни келажакка, инсон капиталига, глобал фикрловчи, локал иш юритишга қодир янги авлоднинг шакллантиришга йўналтирилган инвестициялар дея баҳолайди.

Айнан изчиллик, прагматизм ва очилкилик — Ўзбекистон Президентининг нафақат

тади. Унда тобора ижобий тенденциялар намоеён бўлмоқда, сабаби у муваффақиятли хорижий тажрибага асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган транспорт инфратузилмасини янгиллаш бўйича кенг қўламли дастур ташаббуси бунга ёрқин минсол бўла олади, унинг натижаларини ҳамма жойда кузатиш мумкин.

Америка Қўшма Штатларининг тарихий тажрибаси бунга ёрқин мисолдир. ХХ асрнинг ўрталарида, Президент Дуайт Эйзенхауэр даврида АҚШда бутун мамлакатни қамраб олган штатлар ўртасидаги автомагистраллар тармоғи дастури — “Interstate Highway System” амалга оширилди. Бу ташаббус нафақат саноат, савдо ва логистикани ривожлантириш учун рағбат, балки кичик ва ўрта корхоналар, аграр сектор ва меҳнат бозорининг ўсиши омилли ҳам бўлди. Ягона транспорт тизимини яратиш аҳолининг юқори ҳаракатчанлигини таъминлади, бу эса, ўз навбатида, ички иқтисодий алоқдорликни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Жуғрофий жиҳатдан Евроосийёнинг қоқ марказида жойлашган ва денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган Ўзбекистон учун мазкур тажриба, айниқса, муҳим. Йўллар, темир йўл узеллари ва логистика марказларига тизимли инвестициялар киритилиши мамлакатни қитъадаги энг муҳим транзит нуқтасига айлантирмоқда.

Мамлакатда мазкур режаларни бажариш учун кўп ишлар қилинмоқда, аниқ лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, агар 2009 — 2016 йилларда Ўзбекистонда автомобиль йўлларини ривожлантиришга 9,4 трлн. сўм ажратилган бўлса, 2017 — 2024 йилларда бу кўрсаткич 60 трлн. сўмни

ташкил этди. Йўл ишлари ҳажми беш баробар ошди, 106 минг километрик йўл ҳолати яхшиланди, 713 та кўприк қайта қурилди ва мингдан ортиги таъмирланди. Капитал таъмирга муҳтож йўллар улushi 68 фоиздан 27 фоизгача пасайди. Жорий йилда 21,5 минг километр автомобиль йўллари ва 320 та кўприк қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган. Ажратилган умумий маблағ — 13 трлн. 245 млрд. сўм!

16 та халқаро лойиҳа доирасида 1300 километр автомобиль йўллари қайта қурилди, умумий қиймати 2,2 млрд. доллар бўлган яна 9 та лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Пуллик йўллар қурилишига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилаётган. Буларнинг барчаси мамлакатнинг янги инфратузилма архитектураси мақсадли шакллантирилаётганидан далолат беради.

Жаҳон миқёсидаги яққол мисол сифатида Кениядаги “LAPSSET” лойиҳасини кўрсатиш мумкин. Бу лойиҳа Ламу портини Жанубий Судан ва Эфиопия билан боғловчи транспорт йўлагидир. Ушбу кенг қўламли лойиҳанинг амалга оширилиши аллақачон катта миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш, минтақавий савдо ҳамда бандликни таъминлашнинг драйверига айланади. Башоратларга кўра, “LAPSSET” 1,2 млн. гача иш ўрни яратади ва Кениянинг Шарқий Африкадаги логистика ролини кучайтиради.

Аввал таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон ҳам денгизга чиқиш имкониятига эга эмас, лекин бу географик чекловни халқаро инфратузилма йўлақларида иштирок этиш орқали мунтазам равишда тўлдириб келмоқда. Июль ойида Хонкендида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида Президент Шавкат Мирзиёев Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини яқинлаш муҳимлигини таъкидлади. Келгусида Трансафгон йўли билан боғланадиган ушбу магистраль улкан минтақани қамраб олувчи ва мамлакатнинг транзит салоҳиятини кучайтирувчи ягона транспорт маконини яратади.

Иорданиянинг етакчи “Amman News” газетасида мамлакатимизнинг иқтисодий трансформациясига бағишланган махсус мақола чоп этилди. Унда шундай дейилади: “Ўзбекистон иқтисодий янгиланишининг илҳомлантирувчи намунаси. Иқтисодиётни диверсификациялаш, инновацияларни жорий этиш, рақамлаштириш ва барқарор ривожланиш орқали мамлакат глобал инвестициялар ва технологиялар харитасида муносиб ўрин эгаллашга интилмақда”.

Муаллифларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларига, рақамли иқтисодиётга, инфратузилма лойиҳаларига тобора кўпроқ инвестиция киритмоқда. Бу эса уни халқаро инвесторлар учун жозибали ҳамкорга айлантиради, минтақавий инновациялар маркази ролига даъвогарлик қилиш имконини беради.

Дарҳақиқат, мамлакатда амалга оширилётган ўзгаришлар маълум бир нуқталарга қаратилган эмас, балки тизимли хусусиятга эга. Ўзбекистон халқаро институтлар билан алоқаларини мустаҳкамлаган ва стратегик тафаккурга таянган ҳолда модернизация йўлидан дадил илгарилаб бормоқда ва бу давлат сиёсатининг ҳар бир қадамида намоеён бўлмоқда.

Хорижий матбуотнинг ҳисоботлари ва мақолаларида янги Ўзбекистон муваффақиятларининг тилга олинishi Президент томонидан илгари сурилётган ташаббуслар, изчил амалга оширилётган чуқур ўйланган ва мувоозанатли сиёсатнинг натижасидир. Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон бу йўлда ўзининг стратегик мақсадларига интилиш, халқаро майдондаги позициясини мустаҳкамлаш ва халқининг фаровонлигини ошириш курсини сақлаб қолади. Янги Ўзбекистон эзгу ташаббуслар марказига айланаётган, жонаҳон Ватанимизнинг янада равнақ топаётгани миллий етакчимизнинг оқиллиги, узоқни кўра олиш қобилияти, қатъий сиёсий иродаси ва мардонавор жасорати самарасидир.

Саҳардан бедорлик, шижоат, журъат, Қолар пок ниятлар бағрида мангу. Шаҳитида сабот бор, сабуру матонат, Нур каби бетакрор яралган экан у!

Зулматга чорласа аллакимсалар, Эзулик йўлида бахшиди бу нур. Кимлардир тинчликни менсимасалар, Ёруғлик томонга у бошлаб борур...

Умрини бағишлаб миллатга, шонга, Беллашар замонда шитоб билан у. Ҳар кўнгли, ҳар ўлка, ҳар ҳонадонга Боради илми нур — китоб билан у.

У миллат дилбанди! Боққил замондо, Унга талпадида яқину йироқ. Бор бўлсин шундай нур баҳи этган Кўёш, Қадами қутлуғдир, тиллаги порлоқ!

Ўткир РАҲМАТ.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ЎРНИ ЯНАДА ОРТАДИ

Айниқса, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг бу йўналишдаги фаоллиги янада оширилади. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни экспорт қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ердан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик базасини хатловдан ўтказди, ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлайди. Қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан янги ташаббусларни илгари суради.

Қонунда дала четларига маҳсулот етиштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари асосида жорий этилган янги тартиб белгилаб қўйилди. Унга кўра, Усимликлар қарантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ҳар йили 1 январга қадар сув таъминоти ҳамда экин экиш имконияти мавжуд бўлган ерлар танлаб олинди ва ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, экин турлари бўйича ҳокимликларга тақлиф берилди.



Қонунда дала четларига маҳсулот етиштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари асосида жорий этилган янги тартиб белгилаб қўйилди. Унга кўра, Усимликлар қарантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ҳар йили 1 январга қадар сув таъминоти ҳамда экин экиш имконияти мавжуд бўлган ерлар танлаб олинди ва ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, экин турлари бўйича ҳокимликларга тақлиф берилди.

Депутатлик корпуси мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш борасида белгиланган устувор вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли амалга оширилиши ҳолатини ҳар томонлама ўрганиб, бу борада таъсирчан парламент назоратини кўчиртиради. Қўмита мажлисларида вазирликлар ва идораларнинг ахбороти доимий эшитиб борилади.

Кенгаши йиғилишида сўнгги вақтларда дала четига экин экиш, кооперациялар бўйича қонунлар ва Сув кодексининг қабул қилинган сув тақсислиги шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Энди депутатлар қишлоқ ҳўжалигида даромадни ошириш, экспортни рағбатлантириш, тадбиркорларни стандартлар жорий қилиш ва сертификат олишга ўргатиш масаласида янада фаол бўлиб, қонунчиликка оид янги тақлиф ва ташаббуслар билдиришни кайд этилди.

Қонунда дала четларига маҳсулот етиштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари асосида жорий этилган янги тартиб белгилаб қўйилди. Унга кўра, Усимликлар қарантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ҳар йили 1 январга қадар сув таъминоти ҳамда экин экиш имконияти мавжуд бўлган ерлар танлаб олинди ва ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, экин турлари бўйича ҳокимликларга тақлиф берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 3 февраль кунини имзоланган "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун эса мам-

лакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол бозорини барқарорлаштиришга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди. У билан энг долзарб масалалардан бири — озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш борасида давлатнинг масъулияти оширилди.

Ушбу ҳужжат халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Қонуннинг мақсади — озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унда бу борадаги асосий тамойиллар, соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди.

Қонун билан озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар ягона ҳужжатда бирлаштирилди ва мазкур муносабатларнинг комплекс ҳуқуқий тартибга солишига эришилди.

Кенгашида Чора-тадбирлар режаси асосида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солишнинг масалаларини қонун даражасига кўтариш ва қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича тизимли чоралар кўрилиши таъкидланди.

Ишчилик кўрсаткичлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатларига аниқлик

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМИ ВА НАТИЖАДОРЛИК ТАҲЛИЛИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2025 йил биринчи ярим йиллигида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат дастурининг иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсиш йўлида аниқ натижаларга эришаётганини таъкидлаб, ҳисоботда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани изчил ривожлантиришни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар батафсил баён қилинган кайд этилди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган — тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сояб бўлди.

Лойиҳа билан амалдаги 2 та кодекс ва 3 та қонунга тадбиркорларга энгилликлар беришга қаратилган бир қатор ўзгаришлари ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, энгил санаот ва хизматлар соҳасини, ипотека бозори ҳамда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва креатив паркиннинг резидентларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзларини тақдим этиш белгилаб қўйилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Нуриддин Жабборов, Фирдавс Курбонов ва бошқалар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракция аъзолари томонидан берилган қатор тақлифлар эътиборга олиниб, ҳужжат матнида акс этганлигини айтишди.

Депутатлар лойиҳадаги молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишдаги тадбиркорлик субъектларини тугатиш мuddатини 3 йилдан 1 йилга қисқартириш тақлифини маъқуллаб, бундай ўзгаришни мамлакатда тадбиркорлик фаоллигини тўрти баҳолаш ҳамда "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашди.

Фракция аъзолари мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқарилишини кенгайтиришга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон "Миллий тиклишни" демократик партияси фракцияси йиғилишида давлат дастурининг "Хар бир инсонга ўз салоҳиятини рўбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш" йўналишида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Депутатлар ўрта махсус ва касбий ҳамда олий таълим бўйича маълумотлар берилганидан сўнгра, Ҳукумат вакиллари айрим масалалар бўйича саволга тудди. Хусусан, депутат Азамат Пардаев масаласида белгиланган вазифалар ижроси бўйича кенгроқ маълумот беришни сўради.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров ҳам ушбу масалага ўз муносабатини билдириб, миллий контент яратиш бугун ўта муҳим масалага айланганини таъкидлади.

Депутат Умида Раҳмонова эса мактабларни жорий таъмирлаш ва дарсликлар билан боғлиқ масалаларни кўтарди.

Ҳукумат вакиллари депутатларнинг барча саволларига атофлича тушунтириш беришди. Фракция йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ҳужжатда "сунъий интеллект" тушунчаси, сунъий интеллектни жорий этиш ва ривожлантиришга оид давлат сиёсатининг асослари, махсус ваколатли орган вазифалари, ахборот ресурсларини яратишда ҳамда ахборот тизимларини ишда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг умумий ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга ҳилоф равишда ишлов бериш ва уни ОАВ ҳамда интернетда тарқатилган учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Йиғилишда қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилган ҳолда, бир қатор аниқлаштирувчи саволлар ҳам ўртага ташланди. Савол-жавоблардан сўнгра, қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлатда белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси самарали амалга оширилгани, айниқса, аҳолини тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар алоҳида эътиборга эгилди.

Шу билан бирга, фракция аъзолари давлатнинг айрим бандлари ижросида камчиликлар кузатилаётганини айтиб, унинг бажарилаётган бандларининг ижросини назорат қилиш ҳамда сифатли ва мuddатда бажарилишига эришиш бўйича тақлифларни илгари суради.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам атрофида кўриб чиқилди. Хусусан, сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Ушбу ҳужжат сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш орқали сугурта бозорининг профессионал иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда сугурта муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятида хабардор қилиш тартиб-таомилларини қўллаш белгиланмоқда. Шунингдек, сугурта агенти фаолиятини тартибга солишнинг янги механизмининг ишлаб чи-

қиш, сугурталовчи лицензиясини ихтиёрий равишда бекор қилиш тартибини ваколатли давлат органи томонидан белгилаш назарда тутилган.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Ойдин Абдуллаева, Зухриддин Мавлонов қонун лойиҳасининг аҳамияти ва зарурати тўғрисида, ундаги айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди.

Хусусан, депутатлар лойиҳа билан транспорт воситасидан фойдаланишда мажбурий сугурта қилиш, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганда томонлар келишувига кўра сугурта тўловини айбдор томоннинг сугурталовчисидан олиш масалалари тартибга солинаётганини қўллаб-қувватлади.

Лойиҳада сугурта хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида сугурталовчи томонидан истеъмолчига тақдим қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхати ҳам акс этгаётгани ижобий баҳоланди.

Фикр-мулоҳазалардан сўнгра, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида давлат дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижроси қизгин муҳокама этилди.

Фракция аъзолари томонидан ҳисобот доирасида партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган натижаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, "ёшлар дафтари" орқали 36797 нафар йигит-қизни қўллаб-қувватлаш учун 121,8 млрд сўм йўналтирилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 18895 нафар талабага таълимни давом эттириши учун 50,3 млрд сўм шартнома пуллари тўлаб берилган.

Муҳокама давомида фракция аъзоси Дилбар Мамажонава ҳисобот даврида 161 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминлангани етарли эмаслигини таъкидлаб, қолган ёшларни қўллаб-қувватлашда олиб борилаётган ишлар юзасидан масъуллардан изох сўради.

Масъуллар мазкур масала бўйича ҳудудлар кесимида ишлаб чиқилган алоҳида режалар асосида ишлар олиб борилаётгани, йил якунига қадар 269 минг нафар ёшнинг бандлиги таъминланиши режалаштирилганини айтишди.

Йиғилишда бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш, ҳудудларни ҳар томонлама комплекс ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни манзилли амалга ошириш борасидаги ютуқ ва натижалар эътироф этилди.

Савол-жавоб ва муҳокамадан сўнгра, давлат дастури ижроси ҳақидаги ҳисобот янги ёндашувда тайёрлангани, бу ҳаммага қулайлик яратганини айтиш билан бирга, ҳисоботдаги айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масъуллар томонидан ҳар бир саволга тўлиқ ва атофлича, аниқ далилларга таянган маълумотлар тақдим этилиши билдирилди.

Депутатлар Ҳукумат ҳисоботини қабул қилиш ҳақидаги қарорни маъқуллади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар асосий эътиборини давлат дастурининг экология соҳасидаги вазифаларнинг бажарилганлиги ҳолатига қаратди.



Яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, Орол-бўғи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатишга оид саъй-ҳаракатлар диққат марказида бўлди.

Фракция аъзолари давлат дастурида экология йўналишида кўзда тутилган айрим вазифаларнинг кечикаётгани, базилари бошқа мuddатга кўчирилгани каби масалаларни кўтарди. Айни вақтда йил якунига қадар давлатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ишлар қўламини янада кенгайтириш юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда электрон тижорат соҳасини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси атрофида кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунда электрон тижорат соҳасидаги электрон савдо платформаси оператори, буюртмалар агрегатори ва рақамли стриминг хизмати операторлари фаолият турлари белгилаб қўйилмоқда.

Электрон тижорат операторлари фаолиятини бошлаганилик ёки тугатганилик ҳақида ваколатли давлат органидан хабардор қилиш тартибини жорий этиш, мазкур фаолият турларини бошлаганилик ёки тугатганилик тўғрисида хабардор қилмаганилик учун жавобгарлигини белгилөөчи қўшимчалар киритилган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси электрон тижорат соҳасида фаолият юритаётган электрон тижорат операторлари фаолиятида аниқлик ва шаффофликни ҳамда рақобат муҳитини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганини кайд этиб, уни қўллаб-қувватлади.

Фракциялар йиғилишида кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Фракциялар нуқтаи назари

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ — УМУМИЙ МАҚСАДИМИЗ

Давлатимиз раҳбари ҳузурда мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашида Чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Унда палатанинг бу борадаги ишлари таҳлил қилинди. Муҳим ва устувор вазифалар белгилаб олинди. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари мазкур ҳужжат, шунингдек, мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш соҳасига бевосита дахлдор бир қатор қонунлар бўйича ўз нуқтаи назарини билдирди.

Ҳар бир ҳовуч тупроқни ҳосилга айлантиришимиз шарт

Ақтам ҲАЙТОВ, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган озиқ-овқат хавфсизлигига оид сиёсат жуда халқчил. Мақсад — халқимиз дастурхонини тўқинлигига эришиш. Экспортни кўпайтириш орқали деҳқонларимизни бой қилиш. Фракция-миз бу борадаги сиёсатни, шу жумладан, Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган Чора-тадбирлар режасини қўллаб-қувватлайди.

Кун тартибидаги мазкур масаланинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришда бугун депутатлар корпуси фаол иш олиб бормоқда. Бир қатор қонунлар қабул қилинди. Яна қўллаб ҳужжатларга қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Дала четларидан кўпроқ ҳосил олиш мақсадида қаратилган қонун шулاردан биридир.

Ҳужжат билан бир неча ўн минг гектар бўш турган майдонларга экин экишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Бу юзлаб оилаларнинг айнан мана шу майдонларда бозорбоп экинларни экиб, қўшимча даромад олишлари учун катта имконият бўлди. Мазкур қонун нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати, балки жаҳон бозорига талаб ортиб бораётган маҳсулотларни кўпроқ етиштириб, экспорт қилиш салоҳиятимизни ҳам оширади.

Қонунчилик палатаси Чора-тадбирлар режасига мувофиқ, фракциямиз қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил йўналишидаги тадбирларни кучайтиради, ҳудудлардаги ўрнатишларимизда масаланинг қай даражада долзарб эканлигини тушунтиради.

Агротраноат мажмуи тизимидаги ташкилотларнинг ахборотларини доимий эшитиб борамиз. Қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик ва экспорт ҳажминини ошириш мавзусида жойларда турли амалий тадбирларни ташкил қиламиз.

Депутатлик корпуси фаоллик кўрсатади

Алишер ҚОДИРОВ, «Миллий тиклишни» ДП фракцияси раҳбари:

— Афсуски, инсоният тарихидаги жуда кўп миллий ва ижтимоий инқирозлар айнан озиқ-овқат етишмаслиги ортидан келиб чиққан. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ҲАО) ҳамда бошқа ихтисослаштирилган агентликлар ҳисоботига кўра, 2024 йилда Ер устуви аҳолисининг тахминан 8,2 фоизидан (673 млн. киши) етарли оқватланмасликдан азият чеकкан. Мана шу рақамнинг ўзидек дунёнинг ҳар қандай мамлакатини учун "оғоҳлик кўнги-роғи"дир.

Вазият ҳақиқатан мураккаб. Логистика ҳалқалари узулиб қолмоқда. Транспорт ва етказиб бериш харажатлари ошмоқда. Мана шундай мураккаб ва тез ўзгаришчан шароитда давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси билан мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортчиларига қатор имтиёзлар берилмоқда. Бунда деҳқон ва фермерлар манфаати билан бир қаторда озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлаш кўзда тутилган.

Вазифалар атрофида кўрилаётган, бир бутун бўлиб ҳаракат қилсақина қилган натижа бўлади. Шу маънода, соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратишда депутатлик корпуси ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Президент томонидан шу йил 3 февраль кунини

имзоланган "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун бунинг ёрқин мисоли. Ҳужжатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари белгилаб қўйилган. Яъни мазкур долзарб масалага масъул сифатида Ҳукумат аввало белгиланган. Ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ваколатлари ҳам аниқ-тиник ифодаланган. Демак, ҳаётимиз ва тараққиётимизнинг муҳим гарови бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга барчамиз бирдек масъулмиз.

Палатанинг Чора-тадбирлар режасини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда фракциямиз маъсул вазирликлар билан ҳамкорликни кучайтиради. Сайлов округларидаги ўрнатишларимиз ва назорат-таҳлил тадбирларимизда бу борадаги жамоатчилик фикрини чуқур ўрганиб, қонунчиликка тақлифлар берамиз.

Адолатли бозор тамойилларини жорий қилиш кафолати

Робохон МАҲМУДОВА, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари:

— Давлатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид сиёсати, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Чора-тадбирлар режаси фракциямиз нуқтаи назари билан уйғун.

Бу йўналишда депутатларнинг ташаббускорлиги бўйича биргина мисол келтирмоқчиман. Депутатларнинг қизгин муҳокамалари асосида қабул қилинган ва Президентимиз томонидан жорий йилнинг 6 август кунини имзоланган "Ҳай-вонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида" ги Қонунда соҳадаги муносабатлар тартибга солинди.

Ҳужжат жуда катта аҳамиятга эга. Аввало, уларни, айниқса, чорва ҳайвонларининг аниқ ҳисобини юритиш тизими яратилди. Соҳага энг замонавий, илгор тажрибаларни жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари шаклланди. Энди ҳайвонлар тўғрисида бирламчи маълумотдан тортиб, уларнинг миграцияси, касалликлар профилактикаси, касалликларни даволаш, ҳуллас, барча чора-тадбирлар тизимлаштирилди.

Қонун мамлакатимизда бу йўналишдаги вазиятни аниқ ва чуқур таҳлил қилиш, чорвачилик соҳаси истиқболини тўғри белгилаш, пировардида ички бозорда барқарорлигини таъминлаш, нархлар сулуиш ва асосий ошиб кетишининг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, адолатли бозор тамойилларини жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Чора-тадбирлар режасига асосан, фракция-миз республикамиз иқлимига мос, иссиқ ва совуққа, сувсизликка чидамли экспортбоп қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни қўллаб-қувватлаш масаласини ўрганади ва тақлифлар тайёрлайди.

Парламент назорати йўналишида таъсир чораларини кучайтирамиз. Ҳудудлардаги мулоқотларимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш асосий мақсадларимиздан бири бўлади.

Зарар қопланишининг ижтимоий аҳамияти катта

Улўғбек ИНОЯТОВ, ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ижтимоий аҳамиятга

эга. Фракциямиз томонидан доимий тарзда манфаатлари ҳимоя қилиб келинаётган аҳоли қатлами учун бу чора-тадбирлар жуда муҳим. Имконият ва имтиёзларнинг қонунларда акс этгаётгани эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини мустақкам ҳимоя қилади.

Масалан, давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 14 апрель кунини имзоланган "Қишлоқ ҳўжалиги тавakkалчиликлари учун сугурта қилиш тўғрисида"

ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ ТАЪЛИМНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНМОҚДА

Янги Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислох этиш ва уни замонавий талаблар асосида қайта шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бугунги кунда соҳадagi ўзгаришлар нафақат миллий таълим тизимини модернизациялашга, балки мамлакатимизнинг жаҳон таълим майдонига муносиб ўринга эга бўлишига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда юқори технологиялардан фойдаланиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, таълим мазмуни ва услубларини янгилаш каби муҳим вазифалар устувор аҳамият касб этмоқда.

Таълим фақатгина фан ўргатиш эмас, балки тарбия, инсонийлик, ватанпарварлик, масъулият ва янгича фикрлаш қобилиятини шакллантириш жараёни ҳамдир. Шу жиҳатдан, янги Ўзбекистонда таълим умуммиллий ривожланиш дастурининг ўзагига айланган.

Нуктаи назар

Тараққиётда устувор йўналиш

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакат тараққиётининг барча жабҳалари қатори таълим соҳасига ҳам катта эътибор қаратилган. Ушбу тарихий ҳужжатда таълимнинг ҳамма босқичини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, инновацион педагогик ёндашувлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ўқув жараёни самарадорлигини кўтартиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу, ўз навбатида, юртимизда илм-фан ва таълим тизимида туб ислохотларни амалга ошириш, интеллектуал салоҳиятни ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга кенг йўл очиб бермоқда.

Сўнгги йилларда олий таълим тизимидagi ислохотлар таълим сифатини тубдан яхшилаш, университетларнинг илмий ва инновацион салоҳиятини кенгайтириш, шунингдек, халқаро таълим майдонига муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир олий таълим муассасасининг роли ва масъулияти янада ортиб бормоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда талабалар контингентини кенгайтириш, қабул венталарини босқичма-босқич ошириш орқали билим олиш имконияти ҳар бир ёшга яқинлаштирилмоқда. Шу билан бирга, таълим дастурларини диверсификация қилиш, яъни замона талабларига мос янги йўналиш ва мутахассисликларни жорий этиш орқали кадрлар тайёрлаш тизимига сифат жиҳатдан янги мазмун кириб келмоқда.

Бунинг замирида талабаларни нафақат назарий билимга, балки амалиётга ҳам яқинлаштириш, уларда мустақкам касбий тайёргарликни шакллантириш каби устувор мақсадлар мўжассам. Хусусан, ишлаб чиқариш билан интеграциялашган ўқув жараёнини, дуал таълим элементларини жорий этиш ва талабаларни илмий-амалий лойиҳаларга йўналтириш ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, юртимизда академик мустақилликни таъминлаш, кредит-модуль тизимига тўлиқ ўтиш, икки дипломи таъ-



лим дастурларини жорий этиш, илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий стажировкаларда катнашишини қўллаб-қувватлаш тизими босқичма-босқич кенгайтирилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда хорижий олий таълим муассасаларининг юртимиздаги филиаллари сони ортиб бораётди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 30 дан зиёд халқаро университет ва бошқа зиё мақодаларнинг филиаллари фаолият юритмоқда.

Жумладан, Гулистон давлат университетига ҳам таълим ва илм-фан соҳасидagi ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Кейинги йилларда университетнинг илмий салоҳияти изчил равишда юксалиб, профессор-ўқитувчилар томонидан ҳар йили юзлаб мақоалар миллий ҳамда халқаро илмий журналларда чоп этилмоқда. Улар орасида “Scopus” ва “Web of Science” каби нуфузли халқаро маълумотлар базаларида эълон қилинаётган ишлар сони кескин ошгани эътиборга моликдир.

Бугунги кунда университетда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Хитой каби қатор давлатлардан келган хорижий талабалар тахсил олмақда. Таълим муассасаси халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида ҳам изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Хусусан, “QS” ва “Times Higher Education” каби халқаро рейтинг агентликларини билан алоқалар йўлга қўйилган. Шунингдек, Малайзия, Туркия, Польша, Россия ва Корея Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Илмий-инновацион фаолият университет ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ёш тадқиқотчилар ва талабалар иштирокида қатор стартап ҳамда грант лойиҳалари амалга оширилмоқда. Университет ҳузурида ташкил этилган технопарк доирасида эса за-

монавий илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш лойиҳалари йўлга қўйилган бўлиб, бу жараёнлар худуддаги инновацион муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Халқаро мезонлар сари дадил қадам

Бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим муассасалари жаҳон таълим миқёсида ўз ўрнини мустақкамлаш, илмий ва академик майдондаги фаол иштирокини кучайтириш мақсадида қатор амалий қадамлар ташламоқда. Айниқса, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг халқаро академик мобиллигини таъминлаш, етакчи хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, илмий тадқиқот фаолиятини янада чўқурлаштириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Шу мақсадда, халқаро нуфузга эга бўлган илмий журналларда мақоалар чоп этиш, замонавий илмий ҳамжамият билан интеграциялашга эришиш, “QS World University Rankings” ҳамда “THE” (Times Higher Education) каби халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш учун муайян дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бундай ислохотлар нафақат миллий таълим тизимининг жаҳон андозаларига мослашувини, балки мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал салоҳиятини халқаро миқёсда намойиш этишга ҳам хизмат қилмоқда.

2024 йил натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг 6 та олий таълим муассасаси дунёнинг нуфузли “QS World University Rankings” рўйхатида киритилди. Хусусан, Тошкент давлат техника университети, Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети каби илгор олийгоҳлар мазкур рейтингда муносиб ўринларни эгаллади. Бу ютуқлар мамлакатимизда таълим сифати халқаро стандартлар асосида баҳола-ниб, глобал миқёсда эътироф этилаётганидан далolat беради.

Бугун олий таълим соҳаси олди-га катта ва масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Замонавий дунё талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош ва юксак ма-лакали мутахассисларни тайёрла-шини ўзига хос мезонлари шакл-ланмоқда. Бу жараёнда нафақат миллий, балки халқаро стандарт-лар асосида иш юритиш муҳим аҳамият касб этяпти. Айниқса, олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш кун тартибидagi долзарб вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, бугунги глобал таълим майдонидagi олий ўқув му-ассасаларининг нуфузини баҳола-лаш халқаро рейтинглар муҳим ме-зон сифатида хизмат қилмоқда. “QS”, “THE”, “ARWU”, “U-Multirank” каби нуфузли рейтинглар олийгоҳ-ларнинг академик салоҳияти, ил-мий фаоллиги, таълим сифати, халқаро ҳамкорликлари ва бити-рувчиларининг меҳнат бозори-даги рақобатбардошлиги каби кўрсаткичларини таҳлил этади.

Бу рейтингларда юқори ўрин-ларни эгаллаш таълим муассаса-сининг халқаро нуфузини ошира-ди. Хорижий ҳамкорлар ва инвес-тицияларни фаол жалб этишига шароит яратди. Талабаларнинг хорижда ўқиш ва стажировкадан ўтиш имкониятларини кенгайтира-ди. Мамлакатимиз таълим тизими-нинг жаҳон миқёсидаги обрўсини юксалтиради.

Шу боис Вазирлар Маҳкамаси-нинг махсус “Йўл харитаси” асо-сида олий таълим муассасалари-нинг “QS” ва “THE” рейтингларда катнашиши бўйича аниқ мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Шунин-гдек, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш, “Scopus” ва “Web of Science” каби базаларда мақоалар чоп этиш, халқаро тажрибага эга мутахас-сисларни жалб қилиш, талабалар-нинг академик мобиллигини кен-гайтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда нуфузли рейтинг-ларда юртимиз олийгоҳларининг кайд этилиши, халқаро ҳамкорлик шартномаларининг кўпайиши, ил-мий мақоаларнинг авторитет ба-заларда чоп қилиниши бу бора-даги улкан ютуқларнинг амалий ифодасидир.

Шу билан бирга, таълим сифа-тини халқаро мезонларга муво-фиқлаштириш, инновацион ечим-ларни жорий этиш, илмий муҳит-ни фаоллаштириш йўналишлари-да ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Гулистон давлат университети ҳам ушбу жараёнларда фаол кат-нашмоқда. Сўнгги йилларда маз-кур олий таълим муассасасида халқаро рейтингларга чиқиш бўйи-ча муҳим ютуқларга эришилди. Жумладан, университетнинг илмий салоҳияти 40 фойздан ошди. Хо-рижий талабалар сони йил сайин ортиб бормоқда. “Erasmus+”, “DAAD”, “Mevlana” каби халқаро лойиҳалар доирасида кенг қамров-ли илмий ва инновацион ташаб-буслар жорий этилмоқда. Бу чора-тадбирлар таълим сифати, илмий тадқиқотлар самарадорлиги ва му-тахассислар тайёрлаш даражаси-ни тубдан яхшилапти.

Инновациялар ва рақамли трансформация

Бугунги кунда олий таълим ти-зимидagi амалга оширилаётган ра-қамли трансформация жараёни-

Демак, рақамли трансформация ва инновацион ёндашувлар олий таълим муассасаларининг янги босқичга олиб чиқмоқда. Илм, таълим ва тадбиркорлик уйғунлашган ушбу экотизим ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очаетир. Энг муҳими, бу жараёнлар орқали Ватанимиз раванкига ҳисса қўшадиган замонавий билимли, илгор тафаккурли мутахассислар етишиб чиқмоқда. Ўз навбатида, шуни таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган ўзгаришлар ва натижалар Ўзбекистонда таълим соҳасининг янги даражага кўтарилганидан далolat беради. Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат ички эҳтиёжларни, балки глобал таълим тенденцияларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда. Бу эса Ўзбекистонни яқин йилларда нафақат минтақавий, балки жаҳон таълим марказларидан бирига айлантириши, шубҳасиз.

ри таълим сифати, шаффофлик ва самарадорликни мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда. Ҳар бир олийгоҳда “Hemis”, “LMS”, “Plagiat” каби рақамли платформалар фаол жорий этилиб, талабаларнинг билим олиш жараёни автоматлаштириш, баҳолаш ва мониторинг қилиш имкониятлари яратилди.

Таълим муассасалари расмий веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқ-лардаги саҳифалари орқали жа-моатчиликка доим очиб, Талаба-лар, уларнинг ота-оналари ҳамда кенг жамоатчилик олийгоҳ фаоли-яти, таълим жараёнлари ва янги-ликлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга. Шу билан бир-га, талабалар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, фикр ва так-лифларни эшитиш, муаммоларни тезкор ҳал этиш механизмлари та-комиллаштирилмоқда.

Инновацион экотизимнинг яна бир муҳим таркибий қисми — уни-верситет қошида очилган техно-парклар, инкубация марказлари ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қув-ватловчи махсус фондлардир. Бу майдонлар ёшлар учун фақат на-зарий билим эмас, балки амалий тажриба, тадбиркорлик кўникма-лари ва илмий гоғларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятини ярат-моқда.

Ёш тадқиқотчилар ҳамда тала-балар ўз лойиҳаларига моддий ва маънавий қўмак олиб, маҳаллий ҳамда халқаро танловларда қат-нашмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқилаётган интеллектуал махсу-лотлар, инновацион курилмалар ва IT ечимлар таълим тизими, са-ноат, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт каби соҳаларда кенг қўлланил-моқда.

Бугунги университет фақат таъ-лим берувчи муассаса эмас, бал-ки илмий-амалий инновациялар-нинг маркази ҳамдир. Замонавий лабораториялар, илмий-тадқиқот марказлари, халқаро ҳамкорлик доирасида олиб борилаётган лойиҳалар олий таълим муас-сасаларини глобал рақобатга тайёрлади.

Бу жараёнда профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар билан бир қаторда талабаларнинг ҳам фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади. Улар ўз гоғлари билан рақобатбардош махсулотлар яратиш, стартап ва бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш орқали таълим тизимини мазмуни бойитмоқда.

Масалан, тиббиёт соҳаси-да маълумотнома яна керак бўлиб қолса, тегишли идора-га боришга ҳоҳат қолмайди, ДМЭД режими орқали илгари олган маълумотномангиз ки-фоя қилади. Айни пайтда ДМЭД тақдим этган маъ-лумотнома ишончли бўлиб, бу борада сохта ҳужжат иш-латишнинг олди олинади.

— Рақамлаштириш ишлаб чиқариш корхона-си учун қандай қўлай-ликлар туғдиради?

— Аввало, иш унумдорли-ги ва самарадорлиги ошади. Рақамли технологиялар жара-ёнларини автоматлаштириш, қўл меҳнатидан воз кечиш ва дастурий таъминот ёрдамида маълумотларни самарали бошқариш туфайли жараён-лар тезлашади. Айни пайтда хизмат сифати яхшиланади. Рақамли технологиялар ми-жозларга хизмат кўрсатиш си-фатини оширади, натижада ми-жозлар доираси кенгайди ва корхона нуфузи ошиб бо-ради. Янги жараёнда корруп-ция омили йўқолади. Рақам-ли технологияни, таъбир жоиз бўлса, тартибли технология дейиш мумкин. Бу борада ҳалоллик пировард мақсадга

РАҚАМЛАШТИРИШ: ВАҚТ, ХАРАЖАТ ВА МАСОФА ТЕЖАЛАДИ

Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларини юритувчи рақбар-ларнинг маърузалари, ҳисоботларида рақамлаштиришни жорий этиш ҳақида эшитиб қоламиз. Аксарий ҳолларда: “Ҳўш, рақамлаштиришни оддий қилиб тушунтириб берин-чи?” деб сўрасангиз, тайинли жавоб ололмайсиз. Рақамлаштириш янги Ўзбекистон шароитида зарурий жараён бўлиб, унинг афзаллигини ҳамма хам англаб етса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мухбиримиз шу масала бўйи-ча барчага тушунарли жавоб олиш учун Ўзбекистон Рес-публикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Рақам-ли ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Дилшод МИРЗАЕВ билан суҳбатлашди.

Бизнинг интервью

— Ёши улғ кишилар мак-табда ўқиган пайтда ота-она-ларига вақти-вақти билан ҳисоб берганликларини яхши эслашди, — деб сўз бошла-ди суҳбатдошимиз. — Ушан-да ота-оналар фарзандларини-нинг кундалигига ҳафтада бир имзо чекишар, айни пайтда ўқитувчи билан суҳбатлашар-ди. Эндиликда “kundalik.com” саҳифаси орқали фарзанди қандай ўқиётгани, қайси фанлардан қандай баҳо оли-ши таҳлилий модулда яққол акс этади. Бу мактаб бити-рувчисини тегишли касбга йўналтиришда “йўли юлдуз” бўлади. Бу дастур орқали ота-она фарзанди шу тобда қаер-да ва нима билан шуғулла-наётганини кўриб туради.

— Рақамлаштириш-нинг афзалликларини аниқ мисоллар орқали тушунтириб берсангиз.

— Ягона интерактив дав-лат хизматлари порталида ра-қамлаштириш яққол намоён бўлади. 2024 йилда хизмат-лар сони 700 тага етган бўлса, ундан фуқаролар 32 миллион марта фойдаланган. Агар сиз давлат хизматлари портали-дан онлайн усулда фойдалан-сангиз, идорага бориб рас-мийлантиришга нисбатан 10 фойз чегирмага эга бўла-сиз. Бунинг натижасида йил бўйи 150 млрд. сўм тежаб қолинг. Айни пайтда 160 тон-на қоғоз иқтисод қилинган ва асосийси, бу билан 3 200 та дарахт сақлаб қолingan. Яна бир таққослаш: 2020 йилда хизматдан фойдаланганлар-нинг 67 фоизи оёк билан юриб аналга оширган бўлса, онлайн усули 33 фоизни таш-кил этган. Жорий йил 1 июнь ҳолатига онлайнда амалга оширилган ишлар 83 фойз, шахсан бориб расмийланти-риш 17 фоизни ташкил этган.

Москвадан келган меҳмон банк картасини очиш учун ўз ортида 7 кун вақт сарфла-ганини, Ўзбекистонда эса бу иш 5 дақиқада амалга ошири-лишидан ҳайратда эканини га-пириб берди. Қарангки, ахбор-от технологияси ниҳоятда ривожланган деб ҳисоблана-диган Германияда ҳам бу ишга 7 кун талаб қилинаркан.

— Биринчиси, бошқарувда электрон тизимларни жорий этиш. Улар бизнес жараён-ларини автоматлаштиришни ва қарор қабул қилишни тез-лаштиради.

— Иккинчиси, электрон ҳисоб-дорлик тизимига ўтиш. Бу ҳисоботларни тайёрлашда вақт тежалади, хатоларни ка-майтиради ва маълумотлар тўпланган бўлади. Вақт, хара-жат, масофа тежалади.

— Рақамлаштириш-нинг қандай шартлари бор?

— Биринчиси, бошқарувда электрон тизимларни жорий этиш. Улар бизнес жараён-ларини автоматлаштиришни ва қарор қабул қилишни тез-лаштиради.

— Иккинчиси, электрон ҳисоб-дорлик тизимига ўтиш. Бу ҳисоботларни тайёрлашда вақт тежалади, хатоларни ка-майтиради ва маълумотлар тўпланган бўлади. Вақт, хара-жат, масофа тежалади.

— Рақамлаштириш ишлаб чиқариш корхона-си учун қандай қўлай-ликлар туғдиради?

— Аввало, иш унумдорли-ги ва самарадорлиги ошади. Рақамли технологиялар жара-ёнларини автоматлаштириш, қўл меҳнатидан воз кечиш ва дастурий таъминот ёрдамида маълумотларни самарали бошқариш туфайли жараён-лар тезлашади. Айни пайтда хизмат сифати яхшиланади. Рақамли технологиялар ми-жозларга хизмат кўрсатиш си-фатини оширади, натижада ми-жозлар доираси кенгайди ва корхона нуфузи ошиб бо-ради. Янги жараёнда корруп-ция омили йўқолади. Рақам-ли технологияни, таъбир жоиз бўлса, тартибли технология дейиш мумкин. Бу борада ҳалоллик пировард мақсадга

— Қисқача айт-ганда, рақамлашти-риш одамлар овра бўлишининг олдини олар экан-да. Шу бўйича бир ҳаётий мисол келтирсангиз...

— Айтилаик, юртимизнинг бирор вилоятига сафарга бор-моқчисиз. Тегишли сайтга ки-риб, кўзда тутилган шахарнинг номи ва қайси сана керак-ликни ёзасиз. Уша кунгек қайси рейслар борлигини си-зга маълум қилишади. Ҳоҳ кун-дузги, ҳоҳ кечки рейс бўлсин, ишора қилсангиз бас, қанча жой борлигидан хабардор бўласиз. Ва ўзингизга тегиш-ли маълумотларни ёзиб, ис-таган жойингиздан чипта бу-юртма беришингиз мумкин. Натижада, санокли дақиқалар ичиди уйдан ташқарга чик-май чипта эгасига айланасиз. Бунда сизга рақамли техно-логия ёрдам беради. Мана шу ҳаракат инсон омили аралаш-май, шаффоф шароитда со-дир бўлади. Рақамлаштириш танши-билишини, эгаллаган амалингизни тан олмайд.

Бундан хулоса шуки, рақам-ли технология келажак ҳаёти-миз мазмунини белгилаб, бун-да ҳамма нарсани билан, бун-да, фаровонлигига хизмат қилади.

Суҳбатдош: ШУҲРАТ ЖАББОРОВ (Халқ сўзи).

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-yanvardagi PF-5-son Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 6-fevraldagi 95-son qarori talablariga muvofiq va xalq deputatlari Toshkent shahar Kengashining 2024-yil 8-iyuldagi VI-104-99-14-0-K/24-son qaroriga asoslanib, quyidagi hududlarda qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha Toshkent shahar hokimligi bilan qo'shimcha kelishuv imzolandi:

- **“TRUST STANDART” MCHJ OQ** Toshkent shahri Mirzo Ulug'bek tumanidagi Ahmad Yugnakiy, Al-Forobiy, Ko'hna Mevazor, Jasorat, Gulzorobod, Sarbon, Geofizika, Geologlar mahallalari.
- **“FIDOYI KOMMUNAL TEX” MCHJ** Toshkent shahri Mirzo Ulug'bek tumanidagi Oqqo'rg'on, Darxon, Oydin, Hamid Olimjon, Lashkarbegi, Asaka, M. Ismoliy mahallalari.

Yangi tariflar 2025-yil 1-sentabrdan kuchga kiradi:

- Aholi uchun: bir kishi uchun oyiga **8 400 so'm** (QQS bilan).
- Yuridik shaxslar uchun: **1 m³ – 100 774,87 so'm** (QQS bilan).

Mazkur choralar chiqindilarni belgilangan me'yorlarda yig'ish, olib chiqib ketish va hududlarni sanitar tozalash ishlarini yanada samarali tashkil etishga xizmat qiladi.

YUNUS RAJABIY NOMIDAGI O'ZBEK MILLIY MUSIQA SAN'ATI INSTITUTI

quyidagi kafedralar bo'yicha lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

- O'zbek maqom tarixi va nazariyasi kafedrası — professor (2 ta), dotsent (1 ta), katta o'qituvchi (1 ta);
- Maqom xonandaligi kafedrası — kafedra mudiri, professor (2 ta), dotsent (1 ta), katta o'qituvchi (2 ta), o'qituvchi (2 ta);
- Maqom cholg'u ijrochiligi kafedrası — professor (1 ta), dotsent (1 ta), katta o'qituvchi (2 ta), o'qituvchi (1 ta);
- Doston ijrochiligi kafedrası — dotsent (3 ta), o'qituvchi (2 ta);
- Kompozitorlik, bastakorlik va umumiy fortepiano kafedrası — o'qituvchi (1 ta);
- Vokal cholg'u pedagoglari tayyorlash kafedrası — professor (1 ta), katta o'qituvchi (1 ta), o'qituvchi (1 ta);
- Tillar, ijtimoiy fanlar va jismoniy madaniyat kafedrası — dotsent (1 ta);

Tanlovda ishtirok etish uchun da'vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- Rektor nomiga ariza;
- Xodimning ma'lumotnomasi (obyektivka);
- Pasport yoki ID karta nusxasi;
- Oliy ma'lumot, ilmiy daraja, ilmiy unvon haqidagi diplom va attestatlarining nusxalari;
- O'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlar ro'yxati;
- Mutaxassislik bo'yicha oxirgi uch o'quv yilida malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxalari.

Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida Yunus Rajabiy nomidagi O'zbek milliy musiqa san'ati institutining xodimlar bo'limi tomonidan qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 31-uy Yunus Rajabiy nomidagi O'zbek milliy musiqa san'ati instituti. Murojaat uchun telefonlar: 71-237-35-75, 90-248-41-06.



ЭНГ ГУЛЛАГАН Тўнж ЧОҒИМДА...



Туйғу Мени шоир қилган эртаклар

Болаликда севардим қорни
Сирпанмақоқ йўллари билан.
Кучоқлардим ҳар гал баҳорини
Совуққотган кўлларим билан.

Ҳали-ҳануз қалбда муҳаббат —
Соғинаман эртакларимни,
Айланаолмай гулга, оқибат
Қолиб кетган куртакларимни.

Танчадаги эски чироқда
Товланарди Чамбил чамани.
Яқин келар эди йироқдан
Гўрўғининг суюқ Ватани.

Қиш тунисида Кўҳи Қоф томон
Хотиралар ҳануз етаклар.
Раҳмат, дейман шунда, танчажон,
Мени шоир қилган эртаклар!

Абдулла ШЕР,
Ўзбекистон халқ шоири.

ДУНЁГА БЎЙЛАШМОҚ САОДАТИ

Янги Ўзбекистонда ёшларнинг барча орзуи
рўёбга чиқиши, халқаро миқёсда ўз ўрнини топиши
учун ҳамма имконият бор. Президентимиз
ташаббуси билан очилган “Эл-юрт умиди”
жамғармаси айти шу мақсад
йўлида фаолият кўрсатмоқда.
Шу билан бирга, илмга
чанқоқлик, меҳнатсеварлик,
яхши хулқ ва тарбия инсонни
эзгу мақсадларига етказди.



Ибрат

Ўзимдан қиёс. Интилиш-
ларим самараси ўлароқ
Туркияда таълим олиш бах-
тига мушарраф бўлдим.
Бурдур Меҳмет Акиф Эр-
сой университетининг ма-
гистратурасида ўқиш мен
учун янги дунё ашиқлари-
ни очди. Виртуал маслаҳат,
мураккаб операциялар,
электрон сабоқ, доимий си-
нов. Оддий талабадан тор-
тиб таниқли профессорга
— барчаси изланишда,
фикру хаёли муаммолар
илдизиди. Нафақат ўқийди-
ган, балки фикрлайдиган
кишилар даврасига кириб
қолдим.

Туркияда “Эрасмус мун-
дус” стипендиясига топ-
ширдим. Юқори натижа ол-
дим, аммо шу орада коро-
навирус пандемияси бош-
ланиб қолди: у қачон тугай-
ди, дунё қачон тинчийди,
хеч ким билмасди. Иш то-
пиш ниятида муттасил
эълон бера бошладим.
Ахир чеклов кучли бўлса-
да, чорвачилик фермалари
ишлапти, бусиз мумкин
эмас. Шу орада Даниядан
тақлим олишга киришдим.
Тўғри, ярим йил чўзилган
бўлса-да, хурсанд эдим.
Янги дунё сари туянуқ
очилган. Этироф этиш
керак, чорвачиликда био-
технологияларни қўллаш,
юксак маҳсулдорлик бора-
сида Дания бекиёс ютқ-
ларга эришган. Бу ерда
юксак технологияга асо-
ланган ишлаб чиқаришни,
селекция ва ветеринария
фармацевтикаси бўйича
инновацияни кўрдим. Икки
йил шу ерда ишлагач, Шве-
циядан тақлим олдим.

Баҳодир ТИЛЛАБОВ,
«Dairysoft» компанияси
асосчиси.

Ифтихор

ВАТАН ШАЪНИНИ КЎТАРМОҚ ШАРАФ

Бугун жаҳон
ареналарида
Ватанимиз
байроғини
баланд
кўтариб,
юртимиз
довругини
таратадиган
ёшларни тарбиялаш давлат сиё-
сати даражасига кўтарилган. Шу
боис спорт соҳасида юксак му-
ваффақиятларга эришилмоқда.



Ёшлигимдан энгил атлетика-
нинг баландликка сакраш тури
билан шуғулланиб келаман. Аввал
туман, кейинроқ вилоят доираси-
даги турли мусобақаларда ишти-
рок этиб, совринли ўринларни
эгалладим. Бу мени ўз устимда
янада кўпроқ ишлаш ва меҳнатга
руҳлангирди — юксак натижалар,
жаҳон шохсупалари сари қатъий
ҳаракат қилдим.

Натижа ҳам кўп куттирмади:
ўтган йиллар давомида умумий
ҳисобда 20 маротабадан ортиқ
мамлакат чемпиони, уч қарра
Осиё чемпиони бўлдим. Кўпга
халқаро турнирларда юртимиз
байроғини баланд кўтариш бахти
насиб этди. Хусусан, 2020 йил-
нинг октябр ойида Кувейт дав-
латида бўлиб ўтган 18 ёшгача
ўсмирлар ўртасида Осиё чемпио-
натининг баландликка сакраш
баҳсларида 184 сантиметр баланд-
ликни забт этган ҳолда олтин ме-
далини кўлга киритдим. 2023 йил
май ойида эса Жанубий Корея-
нинг Инчхон шаҳрида 20 ёшгача
бўлган спортчилар ўртасида ўт-
казилган Осиё чемпионатида яна
аввалги натижани такрорлаб, шох-
супанинг энг юқори поғонасига
кўтарилиш насиб этди.

Яқинда Финляндияда уюшти-
рилган “Continental tour BRONZE”
турнирида 185 сантиметр натижа
билан бронза медали соҳиби
бўлдим.

Яна бир эътиборга молик му-
ваффақият: давлатимизнинг биз,
спортчи ёшларга яратиб берган
имкониятлари асосида Тошкент
давлат жисмоний тарбия ва спорт
университетига имтиёз билан
ўқишга кирдим. Албатта, бундай
гамхўрлик ва кўлларлар мени яна-
да юксак марралар сари бошлай-
веради. Келгусида ҳам жаҳоннинг
энг нуфузли ареналарида юр-
тимиз байроғини баланд кўтаришни
мақсад қилганман.

Барнохон САЙФУЛЛАЕВА,
Касби тумани

ИШОНЧ — ЮКСАК МАРРАЛАРГА ҚАНОТ

Ҳар йили 12 августда нишонланадиган Халқаро ёшлар куни
мен учун бу сафар бошқача туюлди. Уни фақат байрам
эмас, балки орзу-интилишларим сари ташланган
илк жиддий қадам сифатида кутиб олдим.

Истиқбол

Денов туманидаги 1-ихти-
сослаштирилган мактабни та-
момладим. Устозларимнинг кўп
йиллик меҳнати ва интилиш-
ларим самараси ўлароқ, бу йил
мен учун унутилмас англо-
ларга бой бўлди: STEAM фан-
лари бўйича танловда голиб
бўлдим, АҚШнинг нуфузли Вин-
гейт университетига қабул
қилиндим. 27 минг долларлик
халқаро грантни кўлга кирит-
дим. Энг хурсанд қилгани —

муддатидан олдин талабалик бахтига
мушарраф бўлдим.

Бу мен каби минг-
лаб ўзбек ёшлари учун
яратилаётган имкониятлар са-
марасидир. Шу кунларда юр-
тимизда ўқувчилар ҳамда тала-
баларнинг иш билан таъмин-
ланиши ва касбий ривожлани-
ши учун лойиҳалар режа-
лаштирилмоқда. Турли касб
йўналиши бўйича ёшлар ўрта-
сида республика мусобақала-
ри ўтказилади. Бунда давлат
корхоналари ва хусусий сектор

вакиллари бирдай иштирок
этади. Ёшларга қаратила-
ётган эътибор, улар-
нинг билим олиши,
иктидорини рўёбга чи-
қариши учун яратилаёт-
ган шароитлар ҳар бир
ёшни руҳлангирмоқда,
қанот бағишламоқда.

Бугун ғурур билан
айта оламан: мен янги
Ўзбекистон фарзанди! Орзулар-
им, мақсадларим давлат сиё-
сати марказида турибди. Шу
мунаввар йўлда мен ва менга
ўхшаган минглаб ёшларга
ишонгани, имконият бергани
учун халқимизга, Президентимизга
чүкүр миннатдорлик бил-
дираман!

Чиндан-да, олдимизда буюк
мақсадлар, улкан имкониятлар



ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ёшлик — инсон ҳаётидаги энг гўзал ва
унутилмас давр. Бу вақтда инсон ўз
мақсадлари йўлида илк қадамларини қўяди,
орзуларини рўёбга чиқариш учун интилади,
изланади ва ҳаракат қилади. Ёшларга
эътибор, гамхўрлик олиб борилаётган
сиёсатнинг энг устувор йўналишига айланган
мамлакатда бундай эзгу умид ва интилишлар

ўз самарасини бермай қолмайди, албатта.
Тенгдошларим ҳар соҳада кўлга киритаётган
ютуқлар ана шу гамхўрликнинг ёрқин
ифодасидир. Айниқса, илмий ишланмалар,
старт лойиҳалар, инновацион гоялар
қўллаб-қувватланмоқда. Бу ёшларни илмий
изланишларга, янгилик яратишга
илҳомлангирмоқда.

Интилиш

Мен ҳам шу имкониятлар
замирида янги бир ихтиро
устаи олиб бораётман. Жа-
миятимизнинг эътибор талаб
этувчи қатлами — кўзи охи-
з инсонлар ҳаётини энгиллашти-
риш мақсадида “электрон
хасса” яратиш гояси туғилди.
Бу ихтиро йўлда хавфсиз ҳара-

катлиши имкониятини берув-
чи замонавий қурилмадир.
“Электрон хасса”нинг
асосий афзалликлари — у
тўсиқларни олдиндан аниқлаб,
овозли сигнал ёки титроқ ор-
қали фойдаланувчини оғоҳ-
лангирди. Қурилмадаги ульт-
ратовуш датчиклари ёрдами-
ри ш мақсадида “электрон
хасса” яратиш гояси туғилди.
Бу ихтиро йўлда хавфсиз ҳара-

вагица тизими билан жиҳоз-
ланган бўлиб, махсус иловалар
орқали инсоннинг йўналишини
белгилаб, ҳатто зарурат
бўлганда яқинларига унинг
жойлашуви ҳақида маълумот
юбориши мумкин. Бу техноло-
гия ёрдамида кўзи охи-
зларимиз жамоат жойларида,
кўчаларда ўзларини хавфсиз
ҳис этиб, мустақил ҳаракатла-
ниш имкониятига эга бўлади.



Энг муҳими, уларда ҳаётга
ишонч ва фаоллик ортади. Шун-
дай эзгу мақсадга хизмат қилув-
чи лойиҳаларнинг амалга оши-
ши, аввало, мамлакатимизда
ёшлар учун яратилаётган имко-
ниятлар, таълим ва илм-фан ри-
вожига эътибор натижасидир.
Биз, ёшлар, бу ишонч оқлаш-
га, халқимизнинг фаровонлиги
йўлида хизмат қилишга бор к-
чимизни сафарбар этаемиз.

Азамжон АБДУЛЛАЕВ,
Андижон давлат техника
институтини талабаси.

БУГУНГИ КУНЛАРНИНГ ЙЎРИГИ БОШҚА...

Маҳалламиздаги тенгқур-тенгдош,
бир синфда ўқиган дўстларимиз билан учрашиб,
суҳбатлашиб қолсак, албатта, болалик ва ёшлик
чоғларимизни эслаймиз. Ўша пайтларда
бошимиздан кечган воқеаю ҳодисаларни хотирлар
эканмиз, у замонлардаги қишлоқ ҳаёти, турмуш
даражаси, айниқса, ёшларнинг яшаши, ўқиш ва илм
олиши учун яратилган шарт-шароитлар бугунгидан
тубдан фарқ қилиши борасида фикр
юрйтиб, тилимиз ва дилимизда
беихтиёр Яратганга шукрона
пайдо бўлади.

Шукрона

Иккинчи жаҳон урушидан
кейинги ўн йилликдаги халқ
ҳўжалигининг тикланиш дав-
ридаги қийинчиликлару
етишмовчиликлар тўғрисида
гапирсак, ҳозирги авлод ва-
киллари бундан бир эртак
каби тушунади, ишониш-
майди.

Масалан, биз мактабнинг
1-синфи пайтида тушгача
ўқисак, шундан сўнг кечга-
ча пахта йиғим-теримида
қатнашардик. Бўйимиз гўза-
пояга аранг етар, қора меҳ-
натдан юзимиз қораяр,
қўлларимиз қадоқ бўлиб ке-
тарди.

Бошланғич таълимни тугат-
ганимиздан кейин ҳам кун-
дузни-кундуз, кечани-кеча де-
май пахта теримида жалб
этилганимиз ҳали-ҳамон
эсимда. Минг шукр, у кунлар
ортада қолди.

Мустақил Ўзбекистонимиз-



да ҳозирги
ёшлар учун
яратилаётган шароитларни
бизнинг ёшлигимиздаги
аҳвол билан асло тенглаб,
қиёслаб бўлмайди. Бугунги
дорилмон кунларимиз, ул-
кан имкониятларга бир
қаран! Мактаблар замона-
вий, олийгоҳлар бир-бири-
дан кўркам, ҳар қадамда ош-
хона, тўкин-сочиллик... Биз,
кексалар эса бугунги кунлар
ва эртанги нурафшон ҳаёт
учун дуодамиз.

Албатта, келажагимиз эга-
лари, қорақўз фарзандлари-
миз ҳам бундай гўзал ва фа-
ровон кунлар қадрига етиб,
жонажон Ватанимизга муно-
сиб фарзанд бўлишга ҳара-
кат қилишса, нур устига нур
бўлажак.

Қадамбой ШОДОНОВ,
Шовот туманидаги
«Кўмб» МФЙ фаоли.

Шижоат

Халқимиз “Ёшлиқда олинган
билим тошга уйилган нақш ка-
бидир”, деб бежиз айтмаган.
Биз ҳам эсимизни танганим-
издан хунар ўрганиб кам
бўлмадик. Энг муҳими, ёшлиққа
хос қизиқиш, иштиёқ, тасаввур кўп
нарсани ҳал қилади. Айниқса, заргарлик-
да. Ҳозиргача тақинчоқ ва тилла буюм-
ларнинг ўндан зиёд асл нусхасини
яратишга муваффақ бўлдим. Заргарликда
унутилган босма, филигран ҳамда иссиқ



эмал технологиясини қайта тиклаш-
га эришдим. Меҳнатларим эвазига
ЮНЕСКОнинг “Сифат белгиси” сер-
тификатига муносиб кўрилдим.
Бугун зардўзлару заргарлар,
мусававиру каштачилар билан
суҳбатлашсангиз, барчаси шундай
тинч ва фаровон юрда яшаётган-
нимизга шукрона айтади. Хунар-
манднинг елкасига офтоб теги-
ди, дейди. Чиндан ҳам шундай. Халқ
амалий санъати усталарининг қада-
мидан жой қолмади, десак, адашмай-
миз. Ўзим ҳам Францияда ўтказилган
“Ўзбекистон бойлиги. Буюк Ипак йўли-

БИЛИМ, ИШТИЁҚ, ТАСАВВУР САМАРАСИ

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг хунармандчиликнинг барча соҳаси
қатори заргарликка ҳам янада кенг йўл очилиб, бу касб санъат даражасига
кўтарилди, турли қийматлидаги металллардан фойдаланишга имкон яралди. Айни
қунда уста заргарлар икки хил: маҳаллий унутилиб борилаётган аъёнларни қайта
тиклаш ҳамда замонавий услублар йўналишларида самарали меҳнат қилмоқда.

да” деб номланган маданият фестива-
лида қатнашдим. У ерда ўзбек халқ
амалий санъатида қизиқишни кўриб,
соҳа вақили сифатида фахр туйдим.

Очиғи, суйган хунарим билан лоақал бир
кун шуғулланмасам, ниманидир йўқотиб
қўйгандек бўламан. Ўйлаб қарасам, хунар-
нинг оҳанрабоиси бор. Махсулотларимиз
дунёнинг машҳур музейларидан, шахсий
коллекциялардан ўрин олган. Бу менга шу
юрт фарзанди сифатида ғурур бағиш-
лайди.

Мамлакатимизда халқ амалий санъати
усталари учун яратилган қулайликларга
хунар сирларини янада пухта эгаллаш,
юртимизнинг бой маданий меросини дунёга
кўз-кўз этиш билан жавоб қайтараман.

Шодмон САИДУРДОВ,
заргар.
Бухоро шаҳри

Эндиликда спорт ҳакамларига малака тоифасини бериш хизмати проактив тарзда кўрсатилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди,
ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг мустақил берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига
“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6